

14-модда. «Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади».


Ўзбекистон Конституциясининг ушбу моддаси давлатимиз фаолиятининг энг асосий принципларини белгилаб беради. Бу жуда муҳимдир. Чунки давлат ўз фаолияти билан инсон ва жамият тақдирини белгилаши мумкин. Айниқса, ҳозирги вақтда жамият давлатсиз яшай олмаглиги ҳаммага аён бўлиб қолди.

Давлатнинг жамият ҳаётида тутган ўрнини белгилашда унинг вазифаларига, функцияларига алоҳида эътибор бериш керак. Давлатнинг қандай вазифаларни, функцияларни амалга оширишига қараб ёки бошқача суз билан айтганда, давлат фаолиятига қараб унинг моҳиятига баҳо берилади. Агар давлат ўз фаолиятини аввало инсон ва жамият манфаатларини ҳимоя қилишга қаратган бўлса, уни ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга ошириб боради, ундай давлатни адолатли, демократик дейиш мумкин. Шу боис

берилади.

Умуман, Ўзбекистондаги барча ижтимоий-иқтисодий ва сивсий соҳадаги ўзгаришлар, ислохотлар фақат инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб амалга оширилмоқда. Бунда давлат бош ислохотчи сифатида майдонга чиқмоқда. Давлатимиз раҳбарининг янги китобида ҳам инсон учун муносиб турмуш ва иш шaroитларини яратиш барча иқтисодий, демократик, сивсий ислохотларнинг пировард мақсади эканлиги алоҳида ўқтирилади. Шу сабабли Ўзбекистон давлати ишга лаёқатсиз кишиларни, ногиронларни, кўп болали оилаларни, қаровсиз қолган гудакларни моддий ва ижтимоий жиҳатдан ҳар тарафлама қўллаб-қувватламоқда. Давлатимизнинг ижтимоий адолат принципи асосида фаолият юритиши ҳудди шу борада ёрқин куринади.

Конституциянинг 14-моддасида назарда тутилган меъёرنинг яна бир муҳим томони шундаки, унга қура давлат ўз фаолиятини



Эски шаҳарни қайта қуриш ва обод этишда иштирок этаётган «Тошкентуьжойинвесткурилиш» корпорациясига қарашли 50-қурилиш-созлаш бошқармаси қурувчилари Қорасарой кўчасида ишлашмоқда. Жамоада 150 нафар ишчи бор. Режага қура улар узунлиги 2 километрдан ортиқ, эни 33 метрга тенг бўлган йўлни қуришлари керак эди. Сув, газ, канализация қувурлари ўтказиш, юқори кўчаларни электр тармоғи, алоқа симлари, телефон, ташқи электр ёриткичларни ўрнатиш, троллейбус тармоғи учун туртта электр токини кўчлантириб берувчи подстанция, Кайковус ариғига кўприк қуриш, асфальтлаш ва бошқа ишларни бажариш ҳам юқо-

ридаги бошқарма ишчиларига юклатилган.

Айни пайтда кўчанинг 1200 метрли қисмида таъмирлаш ишлари тугай деб қолди. Қурувчилар уни шу ой охиригача ниҳоясига етказишни ўз зиммаларига

Қурувчилар кўчаларга муҳандислик тармоқларини ўтказишга ҳам катта эътибор бермоқдалар. Аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш ҳам шу вазифаларнинг бирига қиради. Буни «Тошмуҳандискурилиш» трести

уйсозлик комбинати қурувчилари фаол иштирок этишмоқда. Улар шу яқин кунлар ичида Генерал Узоқов кўчасида бирваракайига учта уйни фойдаланишга топширишди. Уларнинг умумий сатҳи 4 минг 970 квадрат

2-уйсозлик комбинати бинокорлари ҳам юқоридаги қурувчилардан қолишмаган ҳолда ишлашмоқда. Улар бундан 3—4 ой илгари Фуркат кўчасида 7 қаватли бинони қуришни бошлаб юборишган эди. Эски

ишларини ниҳоясига етказишди. Бинонинг умумий сатҳи 6 минг 502 квадрат метр бўлиб, у 90 та оилага мўлжаллангандир.

Бинокорлар Нибзов кўчасида ҳам иккита уйни қуриб битказишди. Биноларнинг ҳар бири 72 оилага мўлжалланган бўлиб, уларнинг умумий сатҳи 11 минг 692 квадрат метрни ташкил этди.

«Тошкентуьжойинвесткурилиш» корпорацияси қурувчилари ҳозирги кўчага Эски шаҳарликлар учун мингдан ортиқ қулай уй-жойларни қуриб битказди. 800 та оила янги хонадонларга кўчиб киришди.

Умуман олганда йил охиригача биринчи навбати якунланиши керак бўлган Эски шаҳарни қайта таъмирлаш ишлари жадал суръатларда олиб боришмоқда. Қурувчилар Сағбон ва Қорасой кўчаларини Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширишга аҳд қилишган.

Ғулом ЮСУПОВ.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси амал қилмоқда

ИЖТимоий АДОЛАТ ВА ҚОНУНИЙЛИК АСОСИДА

Конституциянинг 14-моддасида ўрнатилган меъёр Ўзбекистон Республикаси ижтимоий адолат тантана қилган жамият, халқ ҳокимиятчилиги қарор топган давлат эканлигини яққол кўрсатиб турибди, десак асло янглишмаймиз. Чунки мазкур модда алоҳида равишда инсон ва жамият фаровонлигини, ижтимоий адолат ва қонунийлик принципларини давлат фаолиятининг ажралмас қисми сифатида эътироф этади.

Зеро, ҳуқуқий-демократик давлатнинг энг муҳим шартларидан бири инсон ва шахс манфаатларининг ҳамма нарсасдан устунлигидир. Инсон ва жамият фаровонлиги эса айнан шахс манфаатларига мос тушади.

Конституциянинг ушбу моддасининг қаролатилган Ўзбекистон Республикасида айни вақтларда амалга ошириладиган чўқур ижтимоий-иқтисодий ва сивсий ўзгаришлар, ислохотлар билан белгиланади. Бундай ислохотлардан кузда тутилган энг асосий мақсад инсон ва жамият фаровонлиги эканлиги ҳеч кимга сир эмас, албатта. «Мақсадимиз аниқ, — деб таъкидлайди Президентимиз Ислам Каримов, — бозор иқтисоди ташкилоти билан асосланган, эркин, очик, демократик давлат қуриш». Давлатимиз раҳбари узининг қатор асарлари ва китобларида Ўзбекистоннинг ана шу мақсадни амалга оширишга қаратилган вазифалари ва фаолият дастурини аниқ кўрсатиб берган.

Айниқса, юртбошимизнинг ақидасига эълол қилинган «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чўқурлаштириш йўлида» деган китоби муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлди. Унда шу вақтгача ўтказилиб келинган иқтисодий ислохотларнинг якунлари ва сабоқлари ҳақида суз юритилиб, суғра давлатимиз олдида турган янги вазифалар тўғрисида қимматли кўрсаткичлар

тини қонунийлик принципи асосида амалга оширади. Бу ҳуқуқий демократик давлатнинг энг асосий белгиларидан биридир.

Қонунийлик принципи деганда аввало қонунларни ва унинг асосида қабул қилинган бошқа ҳуқуқий актларни давлат органлари, мансабдор шахслар, фуқаролар ва жамоат ташкилотлари томонидан аниқ ва очишмай бажарилиши лозимлиги тушунилади. Бу давлат тузумидаги демократизмнинг кунишларидан бири бўлиб, ҳаммининг қонун олдида тенглигини ўрнатади. Қонунийлик принципи қонунларни юридик аспект тизимида олий кўчга ағалигини, барча учун баробарлигини, жамият аъзоларининг барчаси учун мажбурийлигини аниқлатади. Шу билан бирга бу принцип фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини очишмай таъминлашини, фуқароларга нисбатан давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг қандайдир узбошимчилигига йўл қўйилмаслигини, фуқароларнинг жамият, давлат олдидаги мажбуриятларини қатъий бажарилиши лозимлигини ҳам назарда туттади. Бир суз билан айтганда, қонунийлик принципи ўз мақсад ва моҳияти билан халқ манфаатларига хизмат қилади.

Ҳудди шу уринда қонунийлик принципининг таъминлашида давлатнинг вазифаси нимадан иборат, деган табиий савол туғилади. Бунда давлатнинг асосий вазифаси қонунлар ва ҳуқуқий актларни юқори савияда ижод этиш ишини ташкил қилиш, қонунларни жамият тараққиёти даражасига мослаштириб бериш ва ниҳоят, юқорида тилга олинган асосий принципларни ҳуқуқий жиҳатдан қаролатиб беришдан иборатдир.

Шундай қилиб, Конституция бўйича давлат ўз фаолиятини ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида юритади. Бу эса унинг демократик моҳиятини кўрсатади.

Ҳайдарали МУҲАМЕДОВ,
Тошкент Давлат юридик институтини ўқитувчиси.

ХОНАДОН ЭГАЛАРИ КЎЧИБ КИРИШМОҚДА

Яқинда шаҳримизнинг «Паркент йўли» шоҳкўчасида 1-уй номини олган бинонинг бир қисми фойдаланишга топширилди. Бу ишни «Тошкентуьжойинвесткурилиш» корпорациясига қарашли йирик ҳажмли-блокли тажриба уйсозлик комбинати бунёдкорлари амалга оширишди.

Уй тўққиз қаватли бўлиб, унинг умумий сатҳи 3 минг 382 квадрат метр-

дир. 48 хонадонга мўлжалланган бинода пардозлаш ишларини ҳам юқоридаги комбинат бунёдкорлари амалга оширишди. Ҳозирда хонадон эгалари пишиқ ва пухта ишланган янги уйларга кўчиб киришмоқда.

Айни пайтда қурувчилар бинонинг иккинчи қисмида пардозлаш ишларини тугатиб, фойдаланишга топширишга тахт қилиб қўйишди.

Ғани ЮСУПОВ.



Гулбаҳор Мавлонова «Тошқўқимачи» ҳиссадорлик жамиятида самарали ишлаб келмоқда. Айни пайтда у кўнига 30 минг метр матога сифатли ишлов бериб, ҳамкасбларига ўрнак кўрсатаяпти.

СУРАТДА: Гулбаҳор Мавлонова ўз машинаси ёнида.

Рустам Шарипов олган сура.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси лойиҳаси етук ҳуқуқшунос мутахассислар томонидан ишлаб чиқилиб, умумхалқ муҳокамасига қўйилди. У етук олимларимизнинг ҳорижий мамлакатларнинг фуқароликка оид қонун-қоидаларини, ўз урф-одатлари, аъналарини ва халқнинг ўзига хос хусусиятларини чўқур ўрганиш асосида ишлаб чиқилди.

Янги фуқаролик кодекси лойиҳаси илгарики Гражданлик кодексидан фарқли улароқ, фуқароларнинг маънавий савиясини юксалтириш, мулкий ва мулк билан боғлиқ бўлмаган шахсий муносабатларни ривожлантириш ва уни тақомиллаштиришни кўзлайди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси лойиҳасининг 39-боб, 611-моддасида: «Маънавий зарар фуқароларнинг, юридик шахсларнинг шаънига доғ туширадиган, унинг қад-қимматини, обрўини ва касб-корини пастга урадиган, ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлар тарқатган ҳолларда; фуқаронинг ҳаёти, соғлиғига ва мулкига зарар етказилган ҳолларда; гайриқонуний нўжия ҳаракат ёки ҳаракатсизлик натижасида фуқарога жисмоний ёки руҳий жабрланишга сабаб бўладиган бошқа ҳолларда қўлланади», — дейилса, 612-моддада маънавий зарарни қоплашнинг характери ва ҳажмини белгилаш назарда тутилган. Яъни — маънавий зарар суд томонидан белгиланган миқдорда пул ёки бошқа моддий шаклда, мулкий зарарнинг қоплашига тегишли бўлиш бўлмаслигини қатъий назар тутанади, деб белгиланган. Жавобгар жисмоний шахс — фуқаро бўлганида маънавий зарарнинг туланидиган юқори қиймати энг кам иш ҳақининг 25 баробар, башарти юридик шахс бўлганида 50 баробар миқдордан ошмаслиги кўрсатилган.

Буллардан ташқари фуқаролик ҳуқуқи объектлари, яъни муомаладан чиқарилмаган ашёлар, мол-мулклар, жумладан пуллар, қимматбаҳо қозғалар ва ҳоказо (3-боб), мулк ва

бошқа ашёвий ҳуқуқлар (7-боб), ҳужалик эриштиш ва оператив бошқариш ҳуқуқлари (8-боб), хусусий мулк ҳуқуқи (10-боб), оммавий мулк ҳуқуқи (11-боб), биргаликдаги умумий мулк (11-боб, 2-қисм), маиший буюртма (26-боб, 2-қисм), лизинг (32-боб), маънавий зарарни тулаш (39-боб), мулкчилик билан турдош ҳуқуқлар (44-боб), ихтиро, фойдаланмодел ва саноат намунасига бўлган ҳуқуқ (45-боб, 2-қисм), самарали фаолият силрлигига бўлган ҳуқуқ (45-боб, 3-қисм), маҳсулот белгилари ва хизмат курсатиш белгиларига бўл-

нинг розилигисиз ва ҳақ туламадан бемалол фойдаланавардиди. Шу камчиликларга барҳам бериш мақсадида мустақил Ўзбекистоннинг Фуқаролик кодекси лойиҳасига бир қанча янги қоидалар киритилди.

Хусусан 44-боб, «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар» деб номланган бўлиб, ушбу бобнинг 635-моддасида шундай дейилган: «Муаллифлик ҳуқуқи — шахсни асарини яратувчи сифатида ҳамма томондан тан олинишига оид бўлган мулк ҳуқуқ бўлиб, у ўз эгасидан бе-

Ҳуқуқий давлат сари

ФУҚАРОЛАР МАНФААТИНИ КЎЗЛАЙДИ

ган ҳуқуқ (45-боб, 6-қисм), алоҳида фарқлаш белгиларига бўлган ҳуқуқ (46-боб) ва бошқа янги боблар ишлаб чиқилиб, янги Фуқаролик кодекси бойитилди.

Биз муаллифлик ҳуқуқий тўғрисида ҳам тўхталиб ўтмиз. Чунки муаллифлик ҳуқуқи тўғрисида қилинаётган илмий ишларга нафақат мамлакат ичкарисида, шу билан бирга жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатларида, хусусан Америка Қўшма Штатларида ҳам қизиқиш билан қаралмоқда ва бу хусусида илмий ҳамкорлик қилиш ҳақидаги тақлифлар билан чиқилмоқда. Шу сабабли ҳам Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва АҚШ фуқаролик ҳуқуқлари оид қонунчилигида муаллифлик ҳуқуқининг тутган ўрни ва ролини таққослаш эътиборга моликдир.

Собик Иттифок даврида муаллифлик ҳуқуқига ҳам эътибор берилар эканлиги эътибор берилмасди. Бу даврларда муаллифлар яратган янгиликни амалда тадбиқ қилиш жуда мураккаб бўларди ва у пировард натижада эгасиз мулкка айланарди. Яратилган асардан ҳар ким муаллиф-

гоналаштирилмайди ва бошқага ўтказилмайди». Бу боб муаллифлик ҳуқуқига оид бўлган бир қанча нормаларни ўз ичига олади, жумладан, «асар муаллифига» (633-модда), «асарни қаришишга бўлган ҳуқуқ» (634-модда), «муаллифнинг ҳақ олиш ҳуқуқи» (641-модда), «муаллифлик ҳуқуқий мўддати утган асарни қуриқлаш» (644-модда) ва шунингдек «асардан фойдаланиш» (2-булим), «асарларнинг айрим турлари ва муаллифлик ҳуқуқи» (3-булим) ва «муаллифлик билан турдош ҳуқуқлар» (4-булим) каби бир қатор янги бўлимлар киритилган бўлиб, бундан қўзланган мақсад — муаллифларга кенг ижодий шaroит яратиб бериш, уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, асар муаллифларининг руҳсатини олмайд ва ҳақ туламай туриб, фойдаланиш каби салбий оқибатларга, яъни «маданий қароқчиликка» тула-туқис барҳам беришдир.

Бу муаммо ҳорижий давлатларда қай даражада ҳал этилган деган савол туғилиши табиий. Биз жаҳонда ривожланган давлатларнинг би-

ри бўлган АҚШда бу муаммо қай даражада ҳал қилинганлигига эътибор берайлик, АҚШда муаллифлик ҳуқуқий давлат томонидан қаттиқ ҳимоя қилинади ва «маданий қароқчилик» жиноят деб ҳисобланади. Бундай гайриқонуний ҳаракатни содир қилган шахслар 10 йилгача озодликдан маҳрум қилинади ва уларга 25 минг доллар миқдорда жарима солинади. АҚШда муаллифларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи махсус жамиятлар, яъни АСКАП ва БМЭИ каби бастакорлар, муаллифлар ва ноширлар жамиятлари мавжудки, улар муаллифларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш билан бирга, бу жамият қилган даромаднинг 70 фоизи миқдорда муаллифларга ҳақ тўлайди.

Шундай бўлсада, АҚШ фуқаролик қонунчилигида ҳам бизнинг ҳозирги фуқаролик қонунчилигимиз лойиҳасида кузда тутилганчалик даражада шахсий ҳуқуқларга эътибор берилмайди, фақат мулк ҳуқуқларга катта эътибор қаратилади.

Бизнинг Фуқаролик кодексимизда ижодий меҳнат билан асар яратган шахслар муаллифлик ҳуқуқига, шу асарларнинг саҳнадаги ижрочилари, режиссёрлари, фонограмм таъйирловчилари, фазо йўлдошлари ёки симлар орқали узатувчилари эса турдош ҳуқуқларга биноан муайян мақомга эга қилиб белгиланган бўлса, АҚШ фуқаролик қонунчилигида, бу нарсас мавжуд эмас. Бундан қурииб турибдики, бизнинг янги Фуқаролик кодекси лойиҳаси амалдаги Гражданлик кодексидан шу жумладан, АҚШ фуқаролик қонунчилигидан бир қанча афзалликлари билан устун туради.

Раҳмонқул ҚУРБОНОВ,
Тошкент Давлат университети ҳуқуқшунослик факультети «Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи асослари» кафедрасининг доценти.

Дониёр РАҲИМОВ,
Тошкент Давлат университети ҳуқуқшунослик факультети ўқитувчиси.

ИШ БОШИ — ИНТИЗОМ

Ҳар қандай ишни ниҳоясига етказишда интизом катта урин туттиши сир эмас. Айниқса, ҳозирги ўтиш даврининг муваққат иқтисодий чигалликлари шароитида меҳнат интизомини қучайтириш алоҳида аҳамиятга эга.

Яқинда Сергели тумани ҳокимлигида ўтказилган семинар-кенгаш ҳам асосан интизом масаласига бағишланди. «Фуқароларнинг хат ва шикоятларини ўз вақтида қуриб чиқиш ва бажариш интизомини мустаҳкамлаш» мавзусидаги семинарда шавҳар ва туманлар ҳокимликларидан вакиллар қатнашиб, узаро фикр алмашдилар. Семинар мажлисида шунингдек, Сергели тумани ҳокими М. Йўлдошев, Тошкент шаҳар ҳокимлиги умумий бўлим мудири Х. Бахтиёров, туман ижтимоий-таъминот бўлими мудири М. Мухторовлар ишлардаги ютуқ ва камчиликлар ҳақида гапириб ўтдилар. Муҳокама қилинган масалалар бўйича тегишли ҳулосалар чиқарилиб, кейинги ишлар режалаб олинди.

Бахтиёр ҲАЙДОРОВ.



1 2 3 4 5 6.